# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ хаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 5-APREL, JUMA, 43 (8124)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Ҳаракатдаги боғ – баракатли боғ. Дейлик, ўзимиз ҳам ушбу тажрибадан фойдаланиб, оддий хонадон шароитида ҳосил олсак бўлади. Оддийгина мисол, гултувакда гул ўстирамиз, парваришлаймиз. Шунинг ўрнига лимон кўчати эксак-чи? 3-4 килограмм ҳосил олса бўлади. Қиш ойларида бир оила истеъмоли учун зарур мева дегани-да бу...**

2



**Пешку туманидаги Ибн Сино номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли томорқадан фойдаланишда катта тажриба тўплашган. Қишлоқ аҳлининг томорқасини кўриб, фикрларини эшитсангиз, уларнинг миришкорлигига таҳсин айтасиз.**

3



**Наманган шаҳридаги 23-сонли ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида сув спортининг бешта, яъни сув полоси, синхрон сузиш, сузиш, слаломда эшкак эшиш ва сувга сакраш турлари бўйича 34 та спорт гуруҳлари ишлаб турибди. Ушбу гуруҳларда жами 405 нафар ёш спортчилар шуғулланишмоқда. Уларнинг 186 нафарини қизлар ташкил этади.**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Навоий шаҳрида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, Республика “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси, “Ҳаёт учун” кўкрак бези саратони миллий уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида “Биз – бир жамоа, биз – бир оиламиз” шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди.

**► Қўқон шаҳрида замонавий Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Бинодаги заллар турли мажлислар, маданий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга, бадиий ҳунармандчилик, амалий ва тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаларини намойиш этишга мўлжалланган.**

► Наманган вилоятидаги “Norin mechanikal plant” масъулияти чекланган жамиятида беш турдаги катталар ва болалар велосипедларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада 70 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди. Ҳозир корхонада ойига тўрт мингдан зиёд велосипед ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда 35 мингта маҳсулот ички бозорга етказиб берилади.

**► Пойтахтимизнинг Учтепа тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси «Ўрикзор» филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур поликлиника тумандаги Ўрикзор ва Кўксарой маҳаллаларининг қарийб ўн етти минг аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.**




Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ – ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

**Мамлакатимизда кимё саноати самарадорлигини ошириш, уни техник қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш, илғор технологиялар асосида янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, соҳага катта миқдорда инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилишга доимий эътибор қаратилаётгани туфайли соҳа жадал юксалиб бораётир.**

Буни йирик кимё саноати корхоналаридан бири “Максам-Чирчиқ” очиқ акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган ишлар ҳамда корхона салоҳиятининг ўсиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Корхонада амалга оширилган модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари натижасида ишлаб чиқариш қувватлари ошиб, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайди. Энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳисобидан уларнинг таннархини камайтириш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни кўпайтиришга доир ишлар амалга оширилди.

Ушбу ишларни амалга оширишда Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори дастуриламал бўлди. Жумладан, ўтган йили корхонада 327,4 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, бу борадаги кўрсаткич 111,4 фоизга ўсишга эришилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 15 993 миллион сўмликка етиб, бу борадаги ўсиш 132 фоизга ошди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 апрель куни Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон МДҲ фаолиятида иштирок этиш масаласига муҳим аҳамият беришини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилда қабул қилинган Ташқи сиёсий фаолият концепциясида Ҳамдўстликда қатнашиш халқаро ташкилотлар билан кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. МДҲ кенг қамровли муносабатларни мувофиқлаштирувчи тузилма вазифасини бажариши, шунингдек, минтақа мамлакатлари ўртасида қарор топган ҳамкорлик доирасида бевосита алоқалар ва давлатлараро мулоқотлар майдони бўлиб қолиши мумкин ва даркор. Шу маънода, ташкилотга аъзо барча давлатлар учун Ҳамдўстлик зарур ва муҳим аҳамиятга эга.

Савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, трансмиллий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш масалалари Ўзбекистон Республикаси учун МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидир.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг етакчи савдо ҳамкорларидир. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари буни яққол тасдиқлайди. 2012 йилда бу борадаги кўрсаткич 12,4 миллиард АҚШ долларини ёки мамлакатимиз умумий ташқи савдоси ҳажмининг 47,2 фоизини ташкил этди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар, шу жумладан, Ҳамдўстлик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, кўп томонлама интеграция жараёнларини ривожлантириш истиқболлари ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сергей Лебедев самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этди, мамлакатимизнинг МДҲдаги иштирокини юксак баҳолади. Ҳамдўстликка аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси Тошкент шаҳрида ўтказилиши ва унинг якунлари бўйича қабул қилинадиган қарорлар, шубҳасиз, МДҲ доирасидаги кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга янги суръат бағишлайди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси қатнашчиларига муваффақият тилади.

**ЎзА**

# САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ХИЗМАТИДА

***Ўзбекистон банклари ассоциациясида шу йил 10-11 апрель кунлари бўлиб ўтадиган “BANKEXPO–2013” олтинчи анъанавий миллий кўргазмаси олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.***

Унда таъкидланганидек, тадбирда етакчи банк, молия ва инвестиция компаниялари иштирок этиб, банк-молия соҳасидаги энг замонавий технологиялар ва хизматларни тақдим қиладилар. Кўргазма иштирокчилари замонавий ахборот технологияларидан янада самаралироқ фойдаланиш борасида тажриба алмашиш имконига эга бўладилар.

Бу йилги кўргазмада “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ҳам эътибор қаратилган.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**

Тошкент Вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

# Қадрланган меҳнат ўз маҳсулини беради

**– “Тошкент вилояти азалдан ўзининг деҳқончилик анъаналари билан шуҳрат қозониб келгани барчамизга яхши маълум”. Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидаги ушбу сўзлар биз деҳқонларни ўз ишимизга бўлган масъулиятимизни янада оширди, – дейди Паркент туманидаги “Бойқозон байналмилал” фермер хўжалиги раҳбари Ботир Расулов. – Айниқса, деҳқон меҳнатининг қадри ҳақида айтган сўзлари, вилоятдаги илғор фермер хўжаликлари қаторида бизнинг хўжаликни ҳам тилга олгани меҳнатга иштиёқимизни ошириб, янги марраларга ундамоқда.**

Ушбу фермер хўжалиги аъзолари тумандаги “Бойқозон” агрофирмаси ҳудудида 59 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Шундан 32 гектари токзор. Унда узумнинг хўраки навлари етиштирилади. Мавсумда эскирган ток кўчатлари ўрнига янгилари – саноатбоп узум навлари экилиб, қарийб олти ярим гектар токзор реконструкция қилинди. Жорий йилда фермер хўжалиги аъзолари ҳосилдорликни 180 центнерга етказиш ҳамда замонавий техникалар сотиб олиш ниятида.

Паркент... Тоғлар билан ўралган, баҳаво жой. Ушбу туман ҳақида сўз кетса, суҳбатдошларнинг фикру хаёлида, тилида шундай сўзлар айланади: “Зўр узумлари бор-да, боғбонлари миришкор-да!”.

Дарҳақиқат, Паркент узумлари билан машҳур. Бошқа жойларда етиштирилган узумларнинг мазаси, негадир, бу ердагидек бўлмайди. Балки, замини сабабдир, балки суви, балки бу ерлик миришкорлар узум етиштиришнинг бошқа сиру асрорларини билишар. Хулласи, Паркент узумларига гап йўқ. Миришкорларига эса тасанно.

Энг асосийси шуки, юртимизда ана шу жиҳатлар, табиий шароит ва иқлимдан, меҳнатга муносабатдан келиб ишлар ташкил этилмоқдаки, бу барчанинг эътирофига, мамнунлигига сабаб бўлмоқда. Буни биргина жиҳатда ҳам билиш мумкин. Президентимизнинг 2013 йил 13 мартдаги “2013-2015 йилларда республикада узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ана шундай ишларга дастуриламал бўлди.

– Туманимизда олти минг гектар токзорлар мавжуд, – дейди Паркент тумани ҳокимлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Тоҳир Холтоев. – Шунинг тўрт минг икки юз гектари айни пайтда тўлиқ ҳосилга кирган боғлар. Юртбошимизнинг мазкур қарори уларни янада кенгайтиришда, сирасини айтганда, ихтисослашишга муҳим асос бўлди. Унга кўра, яқин йилларда янги токзорларни барпо этиш ва реконструкция қилишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. 3 йил давомида лалми ва сув таъминоти даражаси паст бўлган 3317 гектар ерда токзорлар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Энди сизга қарорнинг нақадар узоқни кўзлаб қабул қилинганини бир мисолда тушунтириб берсам. Ҳозир токзорлар ташкил этилиши мўлжалланган майдонлар асосан лалми майдонлардир. У ерларда олдин ғалла етиштиришарди. Лалми ғалла ҳосили, биласиз, йил табиатига қарайди. Ёғингарчилик яхши бўлса, ҳосил ҳам яхши бўлади. Йил қурғоқчил келганда, деҳқон куяди. Агар узумчиликнинг даромадини ҳисобласак-чи? Бир гектар узумзордан ўртача 100 центнер ҳосил олинади, дейлик. Бу яхшигина даромад дегани. Холбуки, узумчиликда ҳосилдорликни 150-180 центнергача етказиш мумкин. Яна бир томони шундаки, худди шу лалми ғалла майдонларида аввал 100 киши ишлаган бўлса, бунёд этилаётган



узумзор боғларда 4 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Мана шу каби эзгу ишлардан руҳланган паркентликлар шаҳд билан ишга киришишган. Жумладан, жорий йил баҳорида экилиши кўзда тутилган 800 гектар янги боғ барпо этиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Янги боғларга узум кўчатлари туман ҳудудидаги “Норчон тол”, “Гулбоғ Бурхон”, “Мирабдулло ўғли Мираъло”, “Тожибой ота” фермер хўжаликлари ҳамда Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтидан келтирилмоқда.

– Фермер хўжалигимиз ерлари “Заркент” агрофирмаси ҳудудидаги лалми майдонлар сирасига киради, – дейди фермер Айём Мирҳожиддинов. – Асосан саноатбоп узум етиштирамиз. 56 гектар умумий еримизнинг 33 гектари токзор. Ўтган йили ялпи даромадимиз 65 миллион сўмни ташкил этди. Ҳозирда 6 гектардан зиёд токзорни реконструкция қилиб, янги ток кўчатларини экяпмиз. Бу билан, ўз навбатида, хўжалигимизда 5 нафар иш ўрни яратилади. Президентимизнинг соҳага доимий қаратиб келаётган эътиборидан мамнунмиз.

– “Бошқизилсой” агрофирмаси ҳудудида янги токзорлар барпо этяпмиз, – дейди тумандаги “Невич аччи” фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Эшов. – Юртбошимизнинг қарори биз учун янги боғ барпо этишга чорлов бўлди. Айниқса, унда саноатбоп навларга алоҳида эътибор қаратилгани, тайёрлов корхоналари билан хомашё етиштирувчилар ўртасидаги муносабатнинг янада такомиллашуви каби омиллар биз фермерлар учун яратилаётган шароитнинг ёрқин кўриниши, деб биламан. Қолаверса, бу меҳнатимизнинг қадрланишидир.

Қадрланган меҳнат эса, албатта, ўз самарасини беражак. Боғларимиз янада файзли бўлиб, болга тўлаверади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Хоразм Вилояти

▼ ЮКСАЛИШНИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАРИ

# САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

**Президентимиз томонидан қабул қилинган "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарор тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларга ҳам саноатни тезкорлик билан олиб кириш орқали кишиларимизнинг бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини янада ошириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Ушбу ҳужжат асосида туманимизда умумий қиймати 31 миллион АҚШ доллари ҳисобида 20 та лойиҳа амалга оширилади. Янгиариқ шаҳарчасида, қишлоқларимизда, маҳалла гузарларида истеъмолчиларга манзур бўладиган юқори сифатли рақобатбардош озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, фирмалар, цехлар ишга туширилади. Натижада 652 та янги иш ўринлари яратилади ва йилига 32 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.**

**Ҳусанбой МАДАМИНОВ,**
*Янгиариқ тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.*

Воҳамиз аҳолиси манфаати, келажагимиз истиқболини ўйлаб қабул қилинган бу ҳаётбахш Қарор кишиларимиз қалбида яратувчилик ва бунёдкорликка бўлган ғайрат-шижоатни янада оширди. Унинг ижросини ўз вақтида ва бекаму кўст таъминлаш мақсадида туманимизда дастур ишлаб чиқилиб, ишлар аниқ режалар асосида олиб борилмоқда.

Вилоятимизда қурилиш материалларига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳисобга олиниб, 806 минг АҚШ доллари миқдоридаги бунёдкорлик ишлари бажарилиши кўзда тутилди. Ана шулар ҳисобига 96 та янги иш ўрни яратилади ва 5 миллиард 620 миллион сўмлик қурилиш соҳасида зарур бўладиган материаллар ишлаб чиқариш режалаштирилди. 310 минг АҚШ доллари ҳисобига барпо қилинадиган "Наврўзи айём" хусусий корхонасида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Йилига 10 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариладиган ушбу корхонада 20 нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланади. Корхона "Алоқабанк"нинг 258 минг АҚШ доллари миқдоридаги молиявий мадади билан бунёд қилинади. Шунингдек, янги ташкил этилаётган "Баёт ғишт", "Санъатбек Муродбек" масъулияти чекланган жамиятларида пишиқ ғишт, йўлкалар учун бетон қуйилма — брусчаткалар, "Чиқирчи қурилиш", "Янгиариқ ХКМК" корхоналарида бошқа тур қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу борада амалий ишлар бошланиб, тезкорлик билан давом эттирилмоқда.

Умумий қиймати 4 миллион 661 минг АҚШ доллари ҳисобидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳам ишлар қизғин олиб борилмоқда. Ўрни келганда шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, воҳа соҳибкорларининг фидойи меҳнатлари, омилкорлик, тажрибалари эвазига етиштирилаётган ширин-шакар мева, узумлар, тилими тилёрар қовун-тарвузлар, ҳар бири минг дардга даво кўкатлару сабзавотлар қишин-ёзин кишиларимиз дастурхонини безайди. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, энди уларни қайта ишлаб, чиройли идишларга қадоқлаб, олисдаги харидорларга етказилса, қанчалаб сарф-харажатлар, меҳнатлар эвазига етиштирилган маҳсулотлар ёз ойларида исроф бўлмай, катта даромад манбаига айланади. Шуларни ҳисобга олган "Панаев Бекжонбой ота" фермер хўжалиги раҳбари Рашид Оллаберганов "Агробанк"нинг 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағига таянган ҳолда ва ўз жамғармасидан 40 минг АҚШ доллари ҳисобига йилига 100 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга бўлган лойиҳани амалга ошириб, томат пастаси ишлаб чиқариш ҳаракатида. Корхона ишга тушгач, 11 та янги иш ўрни ташкил қилинади. Шунингдек, "Янги сут нон" масъулияти чекланган жамиятида 3 нафар ишчи доимий иш билан таъминланиб, йилига 50 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. "Юксак ривож" МЧЖ томонидан эса 100 минг бошга мўлжалланган паррандачилик фермаси ташкил қилиниб, 50 та янги иш ўрни очилади. Бу — яқин йиллар ичида халқимиз дастурхонини парҳез гўшт билан мўл-кўл қилишга қаратилган режаларимиздан биридир.

10 миллион 536 минг АҚШ доллари ҳисобидаги енгил саноат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилиб, бунинг натижасида яна кўплаб янги иш ўринлари очилади. Машинасозлик ва техник маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжлар ошиб бориши ҳам эътиборга олиниб, туманда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан ҳамкорликда юқори ва ўрта босимли полимер қувурлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунинг учун умумий қиймати 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа ишлари амалга оширилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, воҳа саноатини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарор тадбиркорларга кенг имкониятлар уфқини очди. Тадбиркор Байрам Бекжонов чарм пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Тадбиркор мазкур тармоқни янада ривожлантириш мақсадида йилига 2000 дона чарм куртка ва оёқ кийимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Корхонадаги цехларни кенгайтириб, замонавий ускуна-дастгоҳлар келтиришни режалаштирмоқда. Бунинг учун тадбиркорга тақдим қилган лойиҳа бўйича имтиёзли кредит маблағлари ажратилади. Лойиҳа амалга ошгач, йилига 240 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Байрам Бекжоновнинг Шермуҳаммад Отажонов, Мирзоҳид Қулматов каби издошлари ҳам бу каби хайрли ишларни амалга оширишга бел боғлаганлар. Туманда балиқчиликни саноат негизида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган қўшимча лойиҳалар доирасида балиқчилик ҳар томонлама ривожланади.

Айни кунларда янгиариқликлар Обод турмуш йилида бошланган бу каби хайрли ишларни аҳоли турмуш фаровонлигининг янада юксалиши ва вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилишини чуқур англаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

***Ишхонамизда гултувакда ўстирилган лимон кўчати гуллаб, ҳосил тугди. Кейин бир неча дона лимон пишиб етилди. Уларни узиб, парраклаб, лимон чой қилиб, барчага тарқатдик. Хўшбўй, мазали чой ҳаммага манзур бўлди. Бизни ҳайратлантиргани оддий гултувакда етишган анчайин салмоқли лимон ҳосили эди. Кейинчалик эшитсак, худди шундай тувакларда мевали дарахт кўчатлари ўстирилиб, бутун бошли боғлар барпо этилиб, улардан катта даромад ҳам олинар экан...***

# «ҲАРАКАТДАГИ БОҒ» — БАРАКАТЛИ БОҒ

Юртимизнинг машҳур илмий даргоҳларидан бири Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳовлисига кириб борар эканмиз, дастлаб хаёлимиздан ўтгани шу бўлди. Қуёшнинг илиқ нурлари тушиб турган, ҳовлининг кунгай тарафидаги майдонда бежирим сопол ва елим тувакларда кўчатлар яшнаб турарди. Уларни кўриб қувониб кетдик. Бу ерга асли шу мақсадда "Ҳаракатдаги боғ" лойиҳаси билан танишиш учун бордик.

– Институтимизда ушбу лойиҳа 2011 йилдан бошлаб амалга оширилмоқда, – дейди ҳамроҳимиз, институтнинг агротехника бўлими бошлиғи Абдулла Орифов. – Хитойлик селекционерлар тажрибасига асосан 30-60 литр ҳажмдаги тувакларда мевали дарахтлар – нок, гилос, олма кўчатлари ўстирила бошланди. Ўтган йили улар ҳосил бера бошлади. Уларнинг айримлари ўтган йили 10-15 тагача мева тугди. Умуман олганда, ҳар бир тувакдаги дарахтдан 4-5 йилгача 3-10 килограммдан сифатли ҳосил олса бўлади.

– Қаранг-а? – деймиз яна ҳайратимиз ошиб, – ушбу технологиянинг афзалликлари ҳам кўп экан-да?

– Энг қулай томони шундаки, – деб фикримизни аниқлаштиради суҳбатдошимиз. – Бу интенсив технология асосида парваришланадиган мевали дарахт кўчатларини заруратга қараб, исталган ерга кўчириб ўтказиш мумкин. Мана мисол, тажрибамиз ошгач, ўтган йилнинг баҳорида Сербиядан 1500 дона кўчат олиб келиб, уларни махсус тувакларга экдик. Албатта, уларнинг барчаси пакана дарахт кўчатлари эди. Улар ҳаво ҳарорати пастлагунга қадар, куз ойларининг совуғи тушгунича ташқарида, яъни очиқ ҳавода турди. Бу даврда кўчатлар қуёш нурларидан тўлиқ баҳраманд бўлди. Керакли озуқани эса бериб турдик. Совуқ кунлар бошланиши билан уларни махсус хоналарга жойлаштирдик. Кўчатлар қиш давомида хона ҳарорати шароитида парвариш қилинди. Баҳор келганда яна ташқарига чиқардик. Мана шу қулайлиги боис ҳам уларни шартли равишда "кўчма ёки ҳаракатдаги боғлар" деб номладик-да.

Эътиборимизни кўчатлар турган жой, тўғрироғи, "боғ замини" – туваклар тортади. Улар нимадан тайёрланган, балки ҳосилнинг мўл бўлиши, кўчатнинг яхши ривожида уларнинг ҳам аҳамияти бордир?!

Фикримизни уқди, шекилли, ҳамроҳимиз дарахт туваклари ҳақида сўзлай бошлади.

– Кўчатнинг баравж ривожланишида унга яхши идиш танлаш ҳам жуда муҳим ҳисобланади, – дейди Абдулла ака. – Буни тажрибада билдик. Ҳар бир идишда тажриба тариқасида, кўчат етиштирдик. Жумладан, сопол идишлар. Сопол тупроқдан тайёрланади. Шу боис ҳам, ортиқча намни ўзига шимиб олади. Қолаверса, ортиқча намлик ёрдамида тупроқдаги зарарли моддаларни ажратиб олади. Аммо ушбу идишларнинг ҳам ноқулай томонлари бор экан. Яъни вақт ўтиши билан сопол тувакнинг ғоваклари беркилиб, ўсимлик илдизларига ҳаво етмай қолиши мумкин. Шунингдек, уларни кўчириб юриш анча қийинчилик туғдиради. Шуларни инобатга олдик. Янги инновацияларни ўргандик. Ахийри кўчатларни ўстириш ва парваришлашда махсус пластмассадан тайёрланган тувакларлардан фойдаланишга қарор қилдик. Ушбу идишларнинг ҳажми 30-60 литрлик қилиб тайёрланди. Улар тупроқ ҳамда керакли моддалар билан тўлдирилиб, кўчат экилди. Энди пластмасса идишларнинг афзал жиҳатларига келсак. Энг аввало, енгил, кўчиришга қулай, арзон. Бундай идишда ўсимлик томирлари бир текис тарқалади, унинг деворига ёпишиб қолмайди, зарур пайтда осонгина суғуриб олиш мумкин. У сув ўтказмайди, сув тезда буғланиб кетмайди. Натижада ўсимлик камроқ суғорилади. Кам суғорилдими, демак, ишқорланиш жараёни ҳам камроқ кечади. Бу хусусият ўсимликнинг баравж ривожида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Пластмасса тувакда сув туриб қолмаслиги учун идиш тагидан дренаж ҳосил қилинади.

Ҳаракатдаги боғ – баракатли боғ. Дейлик, ўзимиз ҳам ушбу тажрибадан фойдаланиб, оддий хонадон шароитида ҳосил олсак бўлади. Оддийгина мисол, гултувакда гул ўстирамиз, парваришлаймиз. Шунинг ўрнига лимон кўчати эксакчи? 3-4 килограмм ҳосил олса бўлади. Қиш ойларида бир оила истеъмоли учун зарур мева дегани-да бу.

Ҳа, шунақа. Институтда кўплаб тажрибалар бор. Мана улардан яна бири – траншеялар. Тажриба майдончасида амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканмиз, уларга қизиқиб қолдик. Абдулла Орифовнинг таъкидлашича, Хитой технологияси асосида қазилган ушбу хандақларда қишда ҳам иситиш ускуна元рисиз бемалол узум, олма, шафтоли, гилос, лимон ва бошқа мевали дарахт кўчатларини ўстириш мумкин. 2,5 метр чуқур ковланган ер, қишда полиэтилен целлофан билан ёпилади. Ернинг тафти, полиэтиленнинг қуёш нурини бир неча баробар ошириш хусусияти билан ўзи қизитадиган иссиқхона тайёр-да. Агарда ҳаво ҳарорати $-10^{0}C$ дан пасайиб кетса, устига қамишдан тайёрланган намат ташланади. Бу траншея ичидаги илиқ ҳарорат мўътадил бўлиб туришига ёрдам беради. Энг муҳими, бу ерда кўчма боғларни жойлаштирсангиз, қишда ҳам ҳосил олаверасиз.

Улар бошқа дарахтларга нисбатан тез мева берадими? Бу саволимизга яна Абдулла акадан жавоб оламиз:

– Маълумки, дарахтларнинг қиш фаслида тиним даври бошланади, – дейди у. – Деҳқон тили билан айтганда, уйқуга кетади. Бироқ кўчма боғлар бошқа боғларга қараганда бир ой олдин ривожлана бошлайди. Яъни январь ойи охирларидан мевали дарахт кўчатлари куртак ёза бошлайди. Февралда гуллайди. Июнь ойи бошларида мевалари пишиб етилади. Кўчма боғлар 4-5 йилда тўлиқ ҳосилга киради.

Ҳар бир эзгу иш эътиборсиз, эътирофсиз қолмайди. Қарангки, ушбу ибратли ишлар ўтган йилдаёқ эътироф этилди. Май ойида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркасида институт томонидан яратилган қатор янги навлар, янги лойиҳалар иштирокчиларнинг қизиқишига сабаб бўлгани бежиз эмасди. Ярмарка якунига кўра, институт тақдим этган лойиҳа қишлоқ хўжалик соҳасида "Энг яхши инновацион лойиҳа", деб топилди.

Хуллас, институтда бўлган бу каби кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг ҳар бирида элу юрт дастурхонини тўкин қилиш, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсади мужассамлашган.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ – ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Бугунги кунда корхонада қирқ турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар эса уларнинг турини янада кўпайтириш, ички эҳтиёжларни қоплаш баробарида экспортни кўпайтиришга хизмат қилаётир. Ўтган даврда Маҳаллийлаштириш дастури асосида сульфат магний, сульфат калий, фосфомочевина, паст зичликдаги аммоний нитрат сингари янги турдаги кимёвий маҳсулотлар қўшилди.

Корхонада бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётир. Президентимизнинг 2012 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, "Хомашё тайёрлаш ускуналарини реконструкция ва модернизация қилиш орқали минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш" лойиҳаси амалиётга татбиқ этилмоқда. Бир қатор янги ўғитларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаси амалга оширилаётир. Хусусан, комплекс ўғитнинг янги тури бўлган сульфомочевина ҳамда янги комплекс суюқ ўғитлар ишлаб чиқариш шулар жумласидандир.

Бугун фермерларимизнинг онгу дунёқараши ўзгарди. Ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб билаётган деҳқон ва фермерларнинг юқори ҳосил олишдан манфаатдорлиги ошмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари учун асосий озуқа моддалари манбаи ҳисобланган минерал ўғитларга ҳам талаб ортиб бораётир. Шу билан бирга, уларнинг нафақат самарадорлиги, балки экологик хавфсизлигига нисбатан ҳам талаблар кучаймоқда.

Буни яхши англаган корхона жамоаси янгиликка интилиб, ишлаб чиқаришда янги технологиялар, янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этмоқдалар. Энг муҳими шуки, ҳар бир изланиш, ҳар бир янгилик эътибордан четда эмас.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**

Наманган Вилояти

# ЭРТА ЭККАННИНГ ХИРМОНИ ЭРТА КЎТАРИЛАДИ

**Тўрақўрғон тумани Яндама қишлоғи ёнбошида жойлашган кенг майдон "Жўрабоев Абдулҳай" фермер хўжалигига қарашли. Айни кунларда бу ерда иш қизғин паллада: ерга чигит қадаш бошланди.**



— Яратгандан, аввало, эл-юрт ризқи бутун бўлишини тилаб, мавсумни бошлаб юбордик, — дейди фермер Абдуқодир ака. — Бободеҳқонлар "Эрта эккан эрта хирмон кўтаради", дейдилар. Ўтган йили ҳам 40 гектар майдонга чигит экиб, гектаридан 40 центнердан жами 160 тонналик хирмон кўтаргандик. Жорий йил пахта ҳосили учун 41,6 гектар майдонга ғўзанинг "Андижон-35" навини экиб, ҳосилни жами 164 тоннадан орттириб бажаришга бел боғлаганмиз. Шу боис, агротехник тадбирларга қатъий амал қиляпмиз. Механизаторлардан Нурмуҳаммад Эрматов, Ойбек Мирзаумаров, хўжалик аъзоларидан Собиржон Аҳмедов, Аҳмаджон Холмирзаев, Ботиржон Худойбердиев ва бошқалар чигит экишни тез ва соз ўтказишда фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.



Ушбу фермер хўжалиги нафақат Тўрақўрғонда, балки вилоятда илғор жамоалардан ҳисобланади. Мазкур хўжаликда ҳар йили давлатга пахта, ғалла, пилла сотиш режалари ортиғи билан бажарилади. Хўжалик аъзолари Обод турмуш йилида ҳам яхши натижаларни қўлга киритишга аҳд қилишган.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

Андижон Вилояти

# ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

## ФАОЛИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ, МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ БЎЛМОҚДА

**Яқинда Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус – 2013» кўрик-танловида Андижон вилоятидаги «Rubber trast» хусусий корхонаси раҳбари Абдулҳошим Исмоилов «Энг яхши тадбиркор» йўналишида ғолиб деб топилди. Унга Президентимизнинг махсус соврини «Spark» автомашинаси тантанали равишда топширилди. Эришилган ютуқларда корхонанинг «Микрокредитбанк» билан ҳамкорлиги ҳам муҳим роль ўйнамоқда.**



Шу кунларда Абдулҳошим ака билан телефон орқали боғландик. Тадбиркор ниҳоятда хурсанд эди.

– Ушбу юксак мукофот ҳаётимда унутилмас воқеа бўлиб қолади, – дейди у. – Қарангки, юртимизда тадбиркорлик фаолияти учун шундай катта имкониятлар яратилаётган, ғамхўрликлар кўрсатилаётган бир шароитда ишингиз яна эътироф этилса, рағбат кўрсатилса... Бундай вазиятдаги ҳолатни таърифлаш мушкул. Билдирилган ишонч, юксак рағбат бизни янада фаолликка, янги марралар сари ундайди.

Айни пайтда "Rubber trast" хусусий корхонасида пойабзал, резина шланглар, сальниклар, лок, трикотаж маҳсулотлари, қолаверса, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Тадбиркорликка қаратилган эътиборнинг ёрқин натижасини ушбу корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхона фаолият бошлаганда 2 турдаги маҳсулот тайёрланар, ишчилар сони 2 нафар эди. Ўтган йил якунлари бўйича маҳсулот тури 30 дан ошиб, ишчилар сони 92 нафарга етди. Энг муҳими, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 60 фоиздан ортиғи экспорт қилинаётир. Ўтган йили корхонада яна бир хайрли иш амалга оширилди. 400 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Ушбу сармояга янги технология олиб келинди. У жорий йилда ишга тушади. Шунда яна 50 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланади.

– Куни кеча фаолиятимизни яна бир бора таҳлил қилдим, – дейди тадбиркор. – Шунда яна бир бор англаб етдимки, юртимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити боис, мана шундай натижаларга эришяпмиз. Оддийгина ўзимиздан қиёс. Ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Шу маънода айтганда, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса юксак муваффақиятларга мустаҳкам гаров бўлади. Фаолият бошлаганимизда "Микрокредитбанк" билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ишимизни кўрган, бизнес режаларимизни таҳлил этган банк жамоаси фаолиятимизни кенгайтиришни, яъни шу мақсадда молиявий мадад беришни маъқул топди. 2008 йили 200 миллион сўмлик кредит ажратди. Унга резина тайёрловчи замонавий технология олиб келдик. Шу билан ишимиз юришиб кетди. Айни пайтда "GM Uzbekistan" корхонасига етказиб бераётган автомобиль эҳтиёт қисмлари учун ҳар хил маркадаги резина маҳсулотлари, турли резина пойабзаллар, резина клейи, 1001 маркали қора локлар ана шу дастгоҳда ишлаб чиқарилади. Қолаверса, замонавий технология иш суръатини ошириб, даромадимизни юксалтирди. Кредитни вақтида қайтардик.

Банк бизга ишонди. Ўтган йиллар мобайнида "Микрокредитбанк" билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз туфайли кўплаб ютуқларни қўлга киритиб, янгидан-янги марраларга эришдик. Банкнинг ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган турли кредитларидан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни тобора кенгайтириб келяпмиз. Ўтган йили мана шу ишонч асосида яна банкка бизнес режа тақдим этдик. Андижон тумани марказида маҳсулотларимизни сотиш учун савдо нуқтаси ташкил этмоқчи эдик. Буни ҳам банк жамоаси қўллаб-қувватлаб, 150 миллион сўм сармоя ажратди. Қурилиш ишлари бораётган объектга ҳар гал борганимда ишнинг суръатини кўриб, вақтида молиявий мадад бериб турган банкдан миннатдор бўламан.

Яратилаётган шароитдан унумли фойдаланиб, фаолиятини кенгайтириб бораётган тадбиркорнинг ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги ишлари ҳам эътирофга молик. Ўтган йили 28 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаган корхонада айни вақтда 35 нафар коллеж ўқувчиси амалиёт ўтаётир. Уларга иш жараёнида барча шароит яратилиши билан бирга маош ҳам белгиланган. Энг муҳими, уларнинг барчаси келажагини шу корхона тимсолида кўрмоқда. Яъни бир неча ойдан сўнг – коллежни битиргач, шу ерга ишга қайтади.

– Келажакда режаларимиз кўп, – деди тадбиркор. – Жумладан, жорий йилда экспортга мўлжалланган замонавий типдаги пойабзаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқчимиз. Яна бир режамиз жундан сифатли мато тайёрлашни йўлга қўйиш. Бу жараёнда ҳам банкнинг мададига суянамиз, албатта. Умуман олганда, бизга билдирилган ишончни оқлаймиз. Юрт иқтисодиётига муносиб улуш қўшамиз.

**А.БОТИРОВ**

Наманган вилояти

# ОЛҚИШЛАРГА АРЗИГУЛИК ЁШЛАР

***...Наманган вилоятининг ўсмирлар ва қизлар жамоалари эса ватерпол бўйича Малайзияда бўлиб ўтган халқаро беллашувда биринчи ўринларни эгаллашди. Бугун нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистонимиз бу қизларга ҳар қанча олқишлар айтса арзийди. Чунки бир пайтлар, Наманганда қизлар, аёллар ижтимоий фаол эмас, деган гаплар ҳам бўлган эди. Шу маънода, спортчи қизларимиз бугун эришган бундай юксак марралар албатта барчамизни хурсанд қилади.***

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН**



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишида, уларда кучли ирода, ғалаба ва мақсад сари интилиш фазилатларини камол топтиришда, фарзандларимизни ватанпарварлик, ўз юрти билан фахрланиш руҳида тарбиялашда спорт муҳим ўрин тутади. Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшларимизни ана шундай эзгу тамойиллар асосида тарбиялаш, ҳар томонлама соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдир.

Соғлом авлодни соғлом она дунёга келтиради. Мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойили асосида аёлларнинг саломатлигини таъминлаш мақсадида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Оилавий поликлиникаларда, шифохоналарда бўлажак оналарнинг соғлиғини назорат қилиш, зурриёдини дунёга келтириши учун кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматлар ва яратилаётган бошқа кўплаб шароитлар шулар жумласидан.

Хотин-қизларни спортга жалб қилиш уларнинг саломатлигини таъминлашдаги яна бир муҳим жиҳат ҳисобланади. Айниқса, қизларни ёшлигиданоқ спортга ошно этиш, қизиқтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида қизларни спортга жалб этиш борасида улкан натижаларга эришилди. 2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони 2003 йил билан солиштирганда 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди.

Спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ва бошқа турлари билан шуғулланаётган қизлар сафи сезиларли даражада кенгайди.

Хусусан, жойларда бадиий гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилиши натижасида спортнинг ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сони кескин ошди. Жумладан, 2003 йилда 1700 нафар қиз бола бадиий гимнастика билан шуғулланган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 36 мингга етди.

Бугунги кунда халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари билан ватанимиз довруғини дунёга таратаётган спортчиларимиз орасида аёллар, ёш қизлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

2012 йил ноябрь-декабрь ойида Малайзия давлатининг Мегри-Сембиан шаҳрида сув полоси бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақада наманганлик қизларнинг ғолиб бўлиши фикримизнинг яққол исботидир.

Илгари наманганлик қизларнинг сув спорти бўйича бундай катта ютуқларга эриша олишини тасаввур қилиш ҳам мушкул эди.

Мамлакатимизда мустақиллик тантана қилгач, барча жойда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам кенг қамровли туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Спорт соҳасига катта эътибор қаратилди. Натижада нафақат вилоят марказида, балки барча туман ва қишлоқларда замонавий спорт иншоотлари янгидан бунёд этилиб, мавжудлари тўлиқ реконструкция қилинди.

– Наманган шаҳридаги 23-сонли ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби 2011 йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мукаммал таъмирланиб, тўлиқ спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланди, – дейди мазкур мактаб директори Равил Вишняков. – Бу ерда сув полоси учун учта замонавий, халқаро талабларга мос бўлган сув ҳавзалари мавжуд. Спорт майдончасида баскетбол, қўл тўпи ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш учун шароитлар яратилган. Шунингдек, мактабнинг иккита биносида тренажёр зали, конфренц зали, 32 ўринли ошхона, 24 ўринли турар-жой ва спортчиларни реабилитация қилиш маркази жойлашган.

Айни пайтда мактабимизда сув спортининг бешта, яъни сув полоси, синхрон сузиш, сузиш, слаломда эшкак эшиш ва сувга сакраш турлари бўйича 34 та спорт гуруҳлари ишлаб турибди. Ушбу гуруҳларда жами 405 нафар ёш спортчилар шуғулланишмоқда. Уларнинг 186 нафарини қизлар ташкил этади.

1999 йили мактабимиз тарбияланувчилари илк бор сув полоси бўйича мамлакат кубоги соҳиби бўлишиб, Эроннинг Теҳрон шаҳрида бўлиб ўтган Осиё кубоги мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишганди. Ўшанда мактаб жамоаси мусобақанинг кучли тўрт жамоаси сафидан жой олишга муваффақ бўлган эди.

2005 йили мактабнинг 5 нафар тарбияланувчиси сув полоси бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси, 2 нафари эса эркаклар терма жамоаси таркибида Осиё чемпиони бўлишди. 2008 ҳамда 2009 йилларда сув полоси бўйича мамлакатимиз терма жамоасининг Осиё чемпионатида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритишида ҳам тарбияланувчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

2012 йил спорт мактаби учун, айниқса, муваффақиятли бўлди. Сув спорти турларидан Ўзбекистон терма жамоалари таркибига мактабнинг 53 нафар тарбияланувчиси жалб этилди, уларнинг 25 нафарини қизлар ташкил этди.

Малайзия давлатининг Мегри-Сембиан шаҳрида сув полоси бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақада мактаб тарбияланувчилари биринчи ўринни эгаллашди. Елена Ашурова, Диана Шамсутдинова, Элина Сапарова мураббийлигидаги қизлар жамоаси мусобақа давомида ажойиб ўйин кўрсатишиб, кўпчилик мухлислар эътиборига сазовор бўлишди. Дилхумор Мансурова, Моҳинур Аҳмаджонова, Карина Захарьянц, Сабина Валитова, Зарина Жамолиддинова, Татьяна Ҳожиева, Диана Бобомирзаева, Севара Икромова, Галия Байкеева, Ҳуринисо Қаҳҳорова, Дарья Титова, Севинч Зоҳиджонова, Валентина Земляновалардан ташкил топган аҳил жамоа ватанимиз шарафини муносиб равишда ҳимоя қилишди.

Ҳа, Наманган вилоятида туғилиб вояга етаётган қизлар жаҳон ареналарига чиқиб, спортнинг деярли барча турлари бўйича иштирок этиб, мамлакатимиз обрўсини оширишга хизмат қилмоқда, юртдошлари олқишига сазовор бўлмоқда. Бугунги кунда нафақат Наманган шаҳрида, балки вилоятнинг ҳар бир туман, чекка қишлоқларида замонавий спорт мажмуалари бунёд этилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган бундай кенг кўламли ишлар энг муҳим вазифа – соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## БОУЛИНГЧИЛАР БАҲСЛАШДИ

**Қарши шаҳридаги "Геолог" маданият ва спорт соғломлаштириш марказида боулинг бўйича "Қарши опен" Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон боулинг федерацияси, "Шўртан газкимё мажмуаси" ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Қашқадарё вилояти вакиллари билан биргаликда Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда пойтахтимиздан жами 63 нафар спортчи иштирок этди.

– Мусобақа Қарши шаҳрида биринчи марта ўтказилаётган бўлсада юқори савияда ташкил этилди, – дейди турнир қатнашчиси Татьяна Лефтер. – Қашқадарёда ҳам маҳоратли боулингчилар борлигидан хурсанд бўлдик.

Очиқ чемпионат якунида пойтахтлик спортчилар шоҳсупанинг юқори поғонасидан ўрин олдилар. Бекзод Тўхтаев мусобақа ғолиби бўлди. Кейинги совринли ўринларни Шароф Эргашев ҳамда Татьяна Лефтер эгалладилар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

## ЯНГИ МУСИҚА МАКТАБИ

**Навоий вилояти Қизилтепа тумани Ўзбекистон маҳалласида янги Мусиқа ва санъат мактаби қад ростламоқда.**

Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"-ги Қарорига асосан туман ёшларининг истеъдод ва қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгу шуури, маънавий дунёсини бойитиш ва маданиятини янада ошириш мақсадида бунёд этилаётган ушбу масканнинг қурилиши учун Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2 миллиард 400 миллион сўм маблағ ажратилган.

Қурилиш ишлари "Темур Малик" МЧЖнинг 50 дан ортиқ қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда.

150 ўринга мўлжалланган мазкур мактаб Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида ишга тушади.

**Меҳригиёҳ БОЗОРОВА**


**Реклама ва эълонлар**

# "Tukan 1600" – сомон, хашакни йиғиб, тойловчи механизм (пресс-подборщик)

Тойларнинг узунлигини 0,5 метрдан – 1,3 метргача ўзгартириш мумкинлиги сабабли уларни сақлаш майдони тежалади. Германияда ишлаб чиқарилган ушбу механизм тузилишининг соддалиги ва ишончлилиги иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади ва фойдаланишда жуда қулайдир. Барча механизмлар оптимал тарзда бириктирилганлиги тракторнинг тортиш кучидан унумли фойдаланишга имкон яратади.

**Қулайликлар: тойларни туширувчи мослама ва тойларни ҳисоблагич билан таъминланиши мумкин.**




| | |
|---|---|
| **Типи** | Ярим тиркамали |
| **Иш унумдорлиги (соатбай) га/соат** | 10 |
| **Трактор кучини саралаш валининг бир дақиқада айланиш сони** | 540 |
| **Энергия харажати, кВт** | 20...40 |
| **Прессловчи камера кесими, метрда** | 0,37 x 0,46 |
| **Тойнинг (номинал) узунлиги, метрда** | 0,5 - 1,3 |

## Ем-хашак тайёрлашда қўлланиладиган машиналарнинг тўла мажмуаси



**BERKUT 3200**
Тиркаладиган ўроқ машинаси, қамров кенглиги 3,2 м.



**STRIGE 2,1/2,4/2,8**
Осма ўроқ машинаси, қамров кенглиги 2,1/2,4/2,8 м,.



**PELIKAN 1200**
Ўрамли пресс-подборщик, ўрам диаметри 1,2 м.



**STERH 2000**
Тиркамали ем-хашак ўрувчи комбайн, қамров кенглиги 2м.



**ЯНГИЛИК! KOLIBRI DUO**
2-роторли, тиркамали хаскаш, қамров кенглиги (кераклигича ўзгартирилиши мумкин) 6,8 – 7,6м.



**FENIX 800**
Юк ортувчи ўзиюрар машина, юк кўтариш қуввати – 800 кг, ортиш баландлиги – 3,5 м, алмаштириладиган товуш ютгичлари бор.

**Маълумот учун телефонлар:**
**+7 (863) 255-22-00, 255-20-94 - Россия бўйлаб**
**(+99871)150-58-58, 150-59-59, 150-68-68 - Ўзбекистондаги дилер**
**www.rostselmash.com, www.sninvest.uz**

ROSTSELMASH
Agrotechnics of Professionals
SN INVEST
Маҳсулот сертификатланган

ООО "CUPID GOLD" (ИНН 302504540), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г. Ташкента (реестр № 006545-09 от 18.02.2013 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Шайхантахурского р-на Х.Каримов 2-тор кўчаси, д. 11, ликвидируется (протокол № 1 от 02.04.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утерянную шаходатному U № 1545110, о 9-классном образовании, выданную в 2005 г. шк. № 243 Алмазарского р-на (быв. С.Рахимовский) г. Ташкента на имя Акрамова Дилшода Махкамовича, считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (14.03.2003 й., реестр № 01-00510) рўйхатдан ўтган "YUSUP-HIDOYAT-FARRUX" ХФга (ИНН 204433995) тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (10.01.2013 й., реестр № 004254-07) Ҳамза т. Табибий кўч. 98-уй манзил бўйича рўйхатга олинган, "NEO SINTEZ GAZ" МЧЖ (СТИР 302456546) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 04.04.2013 й.даги 1-сонли баённома). Жамият давлат рўйхатидан ўтган кундан шу кунгача молиявий-хўжалик фаолият юритмаган. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 538-58-69 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (10.01.2013 й., реестр № 004252-07) Шавкат 1-тор кўч. 39-уй манзил бўйича рўйхатга олинган, "AVANGARD GAZ OIL" МЧЖ (СТИР 302456522) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 04.04.2013 й.даги 1-сонли баённома). Жамият давлат рўйхатидан ўтган кундан шу кунгача молиявий-хўжалик фаолият юритмаган. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 346-07-06 тел. орқали қабул қилинади.

ЧП "VLAD-POLIGRAF" (ИНН 204324893) зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на, расположенное по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н ул. А.Ахматовой-1, почтовый адрес: ул. Янги Сергели "Дехканский базар" блок 4-8 2 этаж, преобразуется в ООО. Претензии принимаются по тел.: 215-19-00.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 003926-07, 25.05.2012 й.) рўйхатга олинган Ҳамза т. Фарғона йўли кўч. 15-уйда жойлашган "FARSH BURGER" ХК (СТИР 302311655) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 01.02.2013 й.даги 2-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 694-00-40 тел. рақами орқали қабул қилинади.

**Фермер хўжаликлари раҳбарлари, иссиқхоналар соҳиблари диққатига!**

# «ЕР МАЛҲАМИ» ВА БИОГУМУС – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК МАНБАИ




**Пахта, ғалла, шоли, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз экинлари ҳосилдорлигини камида 20-25 фоиз оширишни хоҳлайсизми?**

**Одатдагидан 15-20 фоиз кам харажат қилиб, экологик тоза ва юқори ҳосил олишни истайсизми?**

**Унда биологик соф ўғит – "Ер малҳами" ва биогумусдан фойдаланинг.**

**"Ер малҳами" ва биогумусни Хоразм вилоятидаги "Био ўғит" ишлаб чиқариш корхонаси етказиб беришга тайёр.**

**Манзил: Урганч шаҳри Саноатчилар кўчаси 12-уй.**
**Тел: (+998-91) 432-82-40; (+998-91) 435-28-80**
**Корхонанинг Тошкентдаги вакиллари телефонлари:**
**(+998-91) 433-64-40, (+998-90) 187-61-63,**
**E-mail: malham@inbox.ru**




**ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛСА, ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ!**
Тел. (371) 238-92-29
www.tbs-group.uz



**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-56-30, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 236-56-25, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар** – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** Р.СУЯРОВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-414, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
**Босишга топшириш вақти: 21.00**
**Босишга топширилди: 21.10**
22777 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5